

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2026 йил февраль ойининг 2 куни жиноят ишлари бўйича Шофиркон туман суди, ўз биносида, очик суд мажлисида, Б.Т.Садуллаевнинг раислигида, судья ёрдамчиси Ш.Саломовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси - Шофиркон туман прокурорининг ёрдамчиси Ж.Ҳайитов, судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси - адвокат Ж.Кўшшаевнинг иштирокида, [REDACTED] ўғлига оид 1-2013-2601/10-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

[REDACTED] ўғли ([REDACTED] o'g'li), 1994 йил 29 сентябрь куни Шофиркон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўртамахсус, оилали, 2 нафар фарзанди бор, яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланади, муқаддам судланмаган, Шофиркон тумани, “Бобоҳайдар” МФЙ, “Фуруғун” қишлоғида яшайди, муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2026 йил 6 январь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 276-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчининг кўрсатувларини тинглаб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

2025 йил 21 ноябрь куни Шофиркон туман ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган тинтув жараёнида Шофиркон тумани “Бобоҳайдар” маҳалла фуқаролар йиғини Фуруғун қишлоғида яшовчи [REDACTED] ўғли ўзининг яшаш уйи омборхонасида Бухоро вилоят ИИБ Эксперт криминалистика бўлимининг 2025 йил 22 ноябрдаги 784-сонли кимёвий экспертиза хулосасига кўра, таркибида фаол гиёҳвандлик воситаси ҳисобланган тетрагидроканнабинол мавжуд бўлган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомаласи тақиқланган 5,13 граммга тенг бўлган марихуана гиёҳвандлик воситасини ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда сақлаб келганлиги аниқланган.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган [REDACTED], эълон қилинган айбга иқрорлик билдириб, дастлабки тергов жараёнида берган кўрсатмаларини тасдиқлаб, 2025 йил 21 ноябрь куни ИИБ ходимлари ҳолислар иштирокида яшаш уйини кўздан кечирганларини, кўздан кечириш жараёнида хўжалик жиҳозлари сақланадиган алоҳида омборхона ичида марихуана гиёҳвандлик воситасини сақлаб келаётганлиги аниқланиб, тегишли тартибда расмийлаштириб олинганлигини, бу жараёнда ИИБ ходимлари томонидан ҳеч қандай ноқонуний ҳаракатлар содир



этилмаганлигини, ушбу марихуана гиёҳвандлик воситасини анча вақтдан буён ўзининг истеъмоли учун сақлаб келганлигини, шу сабабли ушбу ўсимликни кимдан олганлигини эслай олмаслигини, гиёҳвандлик ўсимликларини ўтказиш ёки сотиш мақсади бўлмаганлигини, оила аъзоларини гиёҳвандлик воситасини сақлаб, истеъмол қилиб келганлигидан хабари бўлмаганлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, қилмиши бундай оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигини билмаганлигини инобатга олиб, қонуний енгиллик беришни сўради.

Суд мажлисига келмаган гувоҳ [REDACTED] ва [REDACTED] [REDACTED] ўғлининг дастлабки терговда берган кўрсатувлари ўқиб эшиттирилганда судланувчи [REDACTED] томонидан эътироз билдирилмади.

Суд, судланувчи [REDACTED]нинг айби, унинг ўз айбига иқрорлик билдириб берган кўрсатуvidан ташқари, 2025 йил 21 ноябрь кунидаги тинтув баённомаси ва хабарнома (и.в. 6,8), Бухоро вилоят ИИБ ЭКМнинг 2025 йил 22 ноябрь кунидаги 784-сонли хулосаси ҳамда унга илова қилинган фотосуратлар (и.в. 18-19), тушунтириш хатлари ҳамда иш материалларида мавжуд бўлган бошқа объектив далиллар билан тўлиқ ўз тасдиғини топди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Ш.Боймуродовнинг озгинадан кўпроқ миқдордаги марихуана гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга хилоф равишда сақлашда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 276-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи [REDACTED]нинг айбига иқрорлигини ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида эътиборга олиб, унинг ҳаракатларида жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи [REDACTED]га жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, жазони енгиллаштирувчи ҳолатларини, ёшини ҳамда оилавий шароитини инобатга олиб, у айбланаётган модда санкцияси доирасида жарима жазоси тайинлашни ҳамда [REDACTED]га нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилишни лозим топди.

Шунингдек, суд, жиноят иши бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган ва ДХХ Бухоро вилоят бошқармасида сақланаётган экспертиза тадқиқотларидан қолган 5,03 грамм марихуана гиёҳвандлик воситасини йўқ қилишни белгилашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462, 463, 465-468 ва 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:



██████████ ўғли (██████████ о'g'li)
Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 276-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

██████████ ўғлига Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 276-моддасининг 1-қисми билан базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз баравари миқдорида, яъни 12.360.000 (ўн икки миллион уч юз олтмиш минг) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Жарима давлат даромадига ундирилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач:

- судланувчи ██████████ га нисбатан қўлланилган муносиб ҳуқ-
атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чораси бекор қилинсин;

- жиноят иши бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган ва ДХХ Бухоро вилоят бошқармасида сақланаётган 5,03 грамм марихуана гиёҳвандлик воситаси йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида шу суд орқали Бухоро вилоят судига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач, кассация тартибида шикоят беришга, прокурор эса протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

Б.Садуллаев

